

(?-1130)
(1102-1130)

Корахонийлардан бўлган Мовароуннахр хукмдори. Тўлик исми Мухаммад ибн Сулаймон Довуд Кучтегин ибн Тамгачхон Иброхим. Баркиёрук вассали Сулаймонтегиннинг ўгли. 1102-йил Самарканд тахтига Арслонхон унвони билан ўтказилган. 12 минг мамлукдан иборат кўшин тузиб Дашти Кипчокка бир неча бор харбий юришлар қилган. Умрининг охирида фалаж бўлиб қолгани туфайли тахтни ўгиллари - дастлаб Наср, сўнг Ахмад билан бошқарган.

Самарканд салжукийлар томонидан эгалланган (1130-йил 13-март), Арслонхон Балхга жўнатилган ва ўша ерда кўп ўтмай вафот этган. У Марвдаги ўзи қурдирган мадрасага дафн этилган. Арслонхон даврида маданий ҳаёт бирмунча ривожланган. Бухоро ва унинг вилоятида кўплаб бинолар қурилган. Масалан, Жарқўргон минораси ва Масжиди қалон ёнидаги минора ҳозиргача сақланган.